

Хотима

10:01 / 24.03.2017 3215

Умму Аҳмад ад-Дуайжий ҳикоя қилади:

- Йигирма ёшли қиз автомобил ҳалокати натижасида вафот этди. Вафотидан бироз аввал яқинларининг аҳволинг қандай деган саволларига «Аллоҳга ҳамд бўлсин! Яхши!» - деб жавоб бериб турган эди. Бироқ оз вақт ичида дунёдан кўз юмди. Аллоҳ уни ўз раҳматига олсин! Марҳумани махсус ювиш хонасига олиб келишди. Биз уни ювиб, тайёрлашга бошладик. У гўё ширин уйқуда-ю ҳозир уйғонадигандек, юзи табассумдан ёнарди. Баданида жароҳат, синиқ ёки қон асоратлари кўринмайди. Шу вақт ғаройиб ходиса рўй берди. Биз ювиш асносида марҳумани кўтарган эдик, бурнидан оқ модда сизиб чиқди ва хона хушбўй мушк хиди билан тўлди. Субханалллох! Бу чиндан ҳам мушк хиди эди...

Такбирлар айтиб Аллоҳни зикр қилдик. Қизим (марҳума унинг дугонаси эди) йиғлай бошлади.

Марҳума яқинларининг биридан у ҳақда, ҳаётлик вақтида қандай бўлганлиги хақида сўрадим.

- Вояга етгандан буён намозни қанда қилмаган, кино, телесериаллар кўрмас, умуман телевизорга қиё боқмас қўшиқлар эшитмас эди. Ўн уч ёшга тўлгандан буён душанба, пайшанба кунлари нафл рўза тутишни ўзига одат қилган эди. Ўлимидан олдин Аллоҳ йўлида ўликларни ювиб тайёрлаш билан шуғулланмоқчи эди... Бироқ бировларни ювишдан олдин ўзи ювилди... Муаллималари, дугоналари унинг тақвоси, гўзал ҳулқи ва хушмуомаласи ҳақида гапиришади. Муаллималари ва дугоналарида ҳаётида яхши таассурот қолдирганди. Мана энди вафотидан кейин эслашадиган бўлди, дея сўзини якунлади.

Ёмон хотима топган бошқа қиз ҳақида ҳикоя қилиб Умму Аҳмад сўзида давом этади:

- Ўн етти ёшли бир қизни жасадини ювиш учун келтиришди.

Сингилларимиз ювишга киришдилар. Ювишни бошлаганларида қизининг танаси оқ эди. Аста секинлик билан қорая бошлади ва бир парча кўмирдай бўлиб қолди. Унинг ҳоли қандай кечгани бизга қоронғу... Яқинларидан у ҳақда сўролмадик, чунки биз кўрган нарса уларни кўрқитиши мумкин. Шунингдек биз унинг бу ҳолини яширишимиз ҳам керак... Аллоҳдан

саломатчилик ва офият сўрайман!

Азиз синглим, бу икки қиссадан ибрат олдингизми!? Солиҳ мўъминаларга эргашасизми? Ёки гунохкор фосиқалар сизга намунами? Ўзингизга қайси хотимани раво кўрасиз?»

Шу ерда икки ҳикоя ўз поёнига етади. Аллоҳ таолодан Ўзининг йўлида бўлишимизни ва чиройли ўлим топишимизни сўраб қоламиз.